

Россия мусулмонлари Рамазонда Умра ибодатига тайёрланмоқда



13:41 / 10.04.2021 1267

Спутник хабарига кўра, Москва вилояти муфтийси ва Россия муфтийлар кенгаши вице-президенти Розен Аббосов қуйидаги баёнотни берди: «Биз рус зиёратчилари учун Умра зиёратини уюштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бунинг учун Россия туристик ташкилотлари Рамазон ойида умра ибодатини бажариш учун зиёратчиларни йиғдилар ва биринчи карвонни Рамазон ойида юборишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ушбу босқични муваффақиятли яқунлай оламиз деб умид қиламан».

Саудия Арабистони ҳукумати ҳар бир умра учун коронавирусга қарши вакцина мавжудлигини ҳисобга олиб, бу йил Рамазонда умра ўтказишга рози бўлди.

Saudi Al-Medine газетасининг хабар беришича, Саудия Арабистони соғлиқни сақлаш вазири Тавфиқ ал-Рубай ўтган ой Умра зиёратчилари Умра зиёратига бориш учун зарур вакцина билан эмланган бўлса, ҳаж қилишлари мумкинлигини эълон қилган.

Шунингдек, у Макка ва Мадина тиббиёт марказларида, зиёратгоҳларда ва келаси йил ҳажга борадиган зиёратчиларнинг кириш пунктларида ишлаш учун кадрлар билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Хуршид Маъруф тайёрлади